Ассалом, деҳқон бозори

Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 63 (21. 182) 1992 йил 28 март, шанба ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.

БУГУН ТОШКЕНТДА РЕСПУБЛИКА ДЕҲҚОНЧИЛИК - САНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ ОЧИЛАДИ. ҚУРУЛТОЙ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Суратларда: учрашувдан лавҳалар.

Р. Жуманиёзов олган суратлар.

ФЕРМЕРЛАРГА МАДАД КЕРАК

● 27 март куни Тошкентда республика раҳбарлари фермерлар, ижарачилар билан, кичик корхоналарнинг ва шахсий хўжаликларнинг ходимлари билан учрашдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади. У ҳозир Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда мураккаб даврни бошидан кечираётганини қайд этиб, бу учрашув деҳқончилик саноат мажмуи ходимларининг қурултойи арафасида ўтаётгани тасодифий эмаслигини таъкидлади. Учрашувдан кузатилган мақсад — фермер хўжаликларининг вакиллари, ишбилармонлар билан фикрлашиб олишдан иборат. Мустақил республика раҳбариятининг вазифаси —халқнинг фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни бўҳрондан қутилтиришдир. Бу ишда қишлоқ меҳнатчиларининг самарали ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари ишида кўпгина муаммолар тўпланиб қолган. Мана шу муаммоларни биргаликда ҳал этиш керак. Агар деҳқончилик соҳаси муттасил ривожланиб бормаса, бу нарса охир оқибатда иқтисодиётнинг барча тармоқларига таъсир қилади.

Хўш, Ўзбекистон тараққиётининг яқин истиқболдаги стратегик йўли қандай?

Қишлоқ хўжалиги ҳамма нарсанинг негизидир. Бироқ республика қудратли деҳқончилик саноат базасига эга бўлиб қолиши учун хўжаликларга эрк бериш, уларни беҳуда васийликдан халос этиш керак. Аввало яна бир муаммони — фермерларга ва ижарачиларга ажратилган ерлардан, ишлаб чиқариш воситаларидан оқилона фойдаланиш муаммосини ҳал қилиш керак. Фермерлик, деҳқончилик хўжаликларини ривожлантирмай туриб самарали равишда олға бориб бўлмайди, ишлаб чиқаришни юксалтириб бўлмайди. Бу соҳада кўп нарса маҳаллий маъмурларга боғлиқ. Ҳокимлар одамлар ғамини ейишлари керак.

Фермерлик ҳаракатининг бугун бу ерга йиғилган 400 дан зиёд раҳбарлари асосий масалани: деҳқончилик иқтисодиётимизнинг келажаги уларга боғлиқ эканини тушуниб олишлари керак.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг деҳқончилик (фермерлик) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикадаги ишбилармонлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармони қабул қилинган эди. Бу ҳужжат озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига хизмат қилишни кўпайтиришга, бозор иқтисодиёти тузилмаларини жадал шакллантиришга, деҳқончилик хўжаликларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратишга ва ишбилармонлик фаолиятига фуқароларни жалб этишга қаратилган эди. Учрашувда Президентнинг ўша Фармони амалда қандай бажарилаётганлиги муҳим масала сифатида кўтарилганининг сабаби равшан.

Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати комитетининг раиси М. М. Мирқосимовнинг маърузасида ишларнинг ҳозирги аҳволи таҳлил этиб берилди. Фермерлар ҳаракати қучая бошлагани сезилди. Ҳукумат бу ҳаракатнинг муҳим аҳамиятини англаб турибди. Ҳозир фермерлар ва ижарачилар ихтиёрига республика ерларидан бир неча юз минг гектари топширилган. Дастлабки натижалар ҳам қўлга киритилди. Бироқ ҳозирча жойлардаги ишларнинг аҳволи қониқарли эмаслиги таъкидлаб ўтилди.

Хўжаликларнинг раҳбарлари ҳали ҳам фермерга дуруст эътибор бермаяптилар. Улар ерни бериб қўйдилар-у аммо фермернинг эҳтиёжларини билгилари келмаяпти. Лекин хўжаликлар ердан хусусий деҳқонлар олаётган самарани олишга қодир эмаслар. Халқ назоратчилари жойларга бориб кўпгина салбий ҳодисаларни аниқладилар. Фармонни бажариш учун ваъда эмас, балки иш керак, фармонни ақл-идрок билан, илмий асосда рўёбга чиқаришнинг аниқ-равшан йўлларини излаш лозим.

(Давоми тўртинчи бетда).

КУРАГИ ЕРГА ТЕГМАГАНЛАР

Суратларда: (чапдан) 1. Оҳангарондаги «Оҳангарон» давлат хўжалиги бош чўпони Ғофир Рўзқулов. У қарийб 40 йилдан буён чўпонлик таёғини қўлидан қўймайди. Белгиланган режани бажармаган йилини эслолмайди. Қамтарин меҳнати қўша-қўша орден ва медаллар билан тақдирланган. Ҳозир унинг отарида 500 бош қўй бор. У ҳар юз бошидан 105 тадан қўзи олмоқчи.

2. Ўзбек халқига яхши таниш бўлган Маҳмуд ака Исматов Янгийўл районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги бошқаруви раисигина эмас, балки республика деҳқонлари маслаҳатгўйи сифатида ҳам Ўзбекистон пахтачилигини ривожлантиришга муносиб улуш қўшиб келяпти. Меҳнат Қаҳрамонидан тажриба ўрганиш учун узоқ-яқиндан пахтакорлар келиб туришади. У Ўзбекистон Республикаси халқ нойби сифатида ҳам қатор юмушларга бош-қош бўляпти.

3. Шавкат Нуриддиновнинг номи вилоятда илғор сабзавоткорлар қаторида тилга олинади. Салкам 35 йилдирки, ўз зиммасига олган режани ортиғи билан бажариб келади. Суяги деҳқончиликда қотган тажрибали бригадир «Ҳурмат Белгиси», Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ва медаллар билан мукофотланган. У Ўзбекистон Республикаси халқ нойби сифатида Қорасув (собиқ Қалинин) райони, қолаверса ўзи ишлаётган «Қорасув» давлат хўжалиги меҳнаткашлари наказларини бажаришга ҳам вақт топади.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЎЗА ҲАЙИТИНИ ДАМ ОЛИШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва хоҳишларини инобатга олиб ҳамда фуқаролар ўртасида меҳр-оқибатни барқарорлаштириш мақсадида диний байрам — Рўза ҳайит («Ийд ал-фитр»)ни бу йил 4 апрель куни ва кейинги йилларда эса Рўза ҳайитнинг биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 27 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАГИ МУАССАСАЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол моллари ва хизматларга чакана нархлар ошиб бораётган шароитда республика аҳолисини ва аввало унинг ночор табақаларини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 16 мартидан халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан, уй-жой коммунал тармоғи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлиги тизими ходимларининг иш ҳақи, шу жумладан имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойлик товон тўловлари 1,7 баравар оширилсин.

2. 1992 йилнинг 16 мартидан олий ўқув юртлари талабаларининг, аспирантларнинг, докторантларнинг стипендиялари, кийим-бош ва овқат билан таъминланмайдиган техникумлар ҳамда ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,5 баравар кўпайтирилсин, бунда имтиёзли овқатланиш учун ҳар ойлик қўшимча тўловларнинг авваги миқдорлари ҳамда талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

3. 1992 йилнинг 16 мартидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 550 сўм қилиб белгилансин.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларига энг оз миқдори 700 сўм бўлишидан келиб чиқиб, пенсиялар миқдори белгилансин, бунда Улуғ Ватан уруши III гуруҳ ногиронлари пенсияларининг миқдори энг оз иш ҳақи даражасигача етказилсин.

4. 1992 йилнинг 1 апрелидан фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 550 сўм миқдорида белгилансин.

5. Аҳоли даромадларининг даражасини тўғрилаб олиш мақсадида ойига 1600 сўмдан ошадиган иш ҳақидан даромад солиғи миқдорларини ошириш зарур деб ҳисоблансин. Шунга асосан Вазирлар Маҳкамаси даромад солиғининг конкрет миқдорларини аниқласин ҳамда уларни солиқ тўловчиларга етказилсин.

6. Республика вазирликлари, идоралари, уюшмалари, концернлари, корхоналари ва хўжаликлари меҳнат унумдорлигини ўстириш ва ишлаб чиқариш (ишлар ва хизматлар)нинг ҳажмларини ошириш ҳисобига ушбу Фармонда белгиланган минимумни эътиборга олган ҳолда ишловчиларнинг маошини янада кўпайтиришга доир чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Давлат банки, тегишли тижорат банклари, Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари ва идоралари, нафақа жамғармаси, Ижтимоий таъминот вазирлиги, бюджет ҳисобидаги муассасалар ва ўқув юртларининг раҳбарлари 1992 йилнинг 1 апрелигача ушбу Фармонда белгиланган пенсиялар, стипендиялар ва иш ҳақи миқдорларидан келиб чиқиб, аванс тўловларини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

9. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги бир ой муддат ичида амалдаги қонунларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисидаги таклифларни тайёрласин.

10. Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат банки зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 26 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ Н. Е. ҒОЙИБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Ғойибов Наим Ёвқочевич бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси маданият вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 27 март

ТЕАТР АРБОБЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикаларининг «Наврўз-92» халқаро театр фестивали 27 март куни Театр арбоблари уюшмасида эрталабки сумалак сайлидан бошланди. Шундан кейин анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида қабул қилинди.

Учрашувда фестиваль ташкилий комитетининг раиси, Республика Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров уларни қўшалоқ байрам — халқаро театр куни ва «Наврўз-92 фестивали билан табриклади.

(ЎзА).

Юртим, истиқлолимга иқрор эсанг,

АНЖУМАНДАН-АНЖУМАНГАЧА

«Қишлоқ хўжалигида ишни қандай ташкил қилмайлик, қай томонга бурмайлик, бир нарсани ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. У ҳам бўлса шуки, деҳқон бой бўлмасдан — ишчи ҳам, зиёли ҳам тўқ бўлиши мумкин эмас, халқимизнинг, эл-юртимизнинг ҳаётини, келажагини фаровон қилиб бўлмайди. Бу аниқ гап».

И. А. КАРИМОВ.

ЭЗГУЛИК ВА САОДАТ ЙЎЛИ

• ФАРМОН ВА ИЖРО

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти қишлоқ меҳнат аҳли турмуш шароитини яхшилаш юзасидан бир қанча Фармонлар чиқарди. Уларни амалга ошириш туфайли жумҳуриятимиз қишлоқларида аҳвол яхшиланаётир. Хўш, Фармонлар эълон қилингач, орадан ўтган вақт мобайнида нималарга эришилди?

● Президент ўз нутқида ва Фармонларида аҳоли томорқасини кенгайтиришни кўзда тутганди. Бундан асосий мақсад фақат қўшимча маҳсулот олишга эришишдан иборат эмас. Бу уй-жой қурилишини кенгайтириш, одамларни, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш имкониятини яратади. Шуни айтиш керакки, ер ажратиб берилаётганда кўпгина хўжалик раҳбарлари хавотирда эди. Улар жамоа хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар камайиб кетмасмикан, деб ўйлаган эдилар. Бу хавотир ўринсиз бўлиб чиқди. Жамоа хўжаликлари ҳам, шахсий хўжаликлар ҳам кутилганидан кўпроқ ҳосил олишди.

Шу боис қишлоқ аҳолисига ёрдам бериш тобора кўпайиб бораётир. Масалан, томорқа участкаларини кенгайтириш ва уй-жой қуриш учун 1,6 миллион оилага 289 минг гектар ер ажратилди. Бу томорқаларда кўплаб маҳсулот етиштириш имконини берди.

● **«Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида»ги Фармони ва республика ҳукуматининг уни амалга ошириш бўйича қабул қилган қарори.**

Бу Фармон шахсий хўжаликларда чорвачиликни янада ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш йўлида муҳим дастур бўлди.

Айни пайтда эса жумҳуриятимиз аҳолиси шахсий хўжаликларида чорва моллари сони тобора ортиб бораётгани қувончли ҳол. Бу шахсий хўжаликларда сут ва гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг катта манбалари, имкониятлари борлигидан далолат бермоқда. Шахсий хўжаликлар ҳозир республикамизда ишлаб чиқарилаётган жами сутнинг 65 фоизини, гўштнинг эса 55 фоизини бермоқда.

Президентнинг юқоридаги Фармонига асосан республикамиз аҳолиси шахсий хўжаликларига кўп миқдорда чорва моллари сотилди. Бу иш айниқса, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларида кўнгилдагидек бажарилди. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, аҳолига жўжа сотиш топшириғи бажарилмай қолди. Бунинг асосий сабаби шуки, халқимиз учун ҳозирча сотилаётган аралаш озуқа миқдори камроқ, иккинчидан, 1990—92 йилларда республикамиздаги бир қанча йирик паррандачилик фабрикалари таъмирланаётгани туфайли жўжалар сотишга кам чиқарилди.

Ўтган йили баъзи вилоятларда шахсий хўжаликларга қорамол сотиш режаси бажарилмади. Масалан, Сурхондарё вилоятида бу иш бор-йўғи 64 фоизга бажарилди. Ўтган йили бурноғи йилга нисбатан ҳам 745 бош қорамол кам сотилди. Жиззах вилояти хўжаликлари эса аҳолига қўй-эчки сотиш ўтган йилги режасини атиги 61 фоизга бажаргани ҳолда тўқсонинчи йилдагидан 1700 бош қўй-эчкини аҳолига кам сотишди.

● **Республика Президентининг «Нарх-навонинг ислоҳ қилиниши муносабати билан умумтаълим мактабларининг ўқувчиларига умумий овқатланиш бўйича имтиёзлар берилиши хусусида»ги Фармонига** асосан Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли колхоз ва совхозларда ўқувчиларга кўплаб гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди.

• СЎЗ—МЕҲНАТ ФИДОЙИЛАРИГА

ЭСКИСИ ЯНГИСИНИ АСРАЙДИ

Таъбир жоиз бўлса, ҳозирги даврни тадбиркорлар, иқтисодчилар даври дегим келади. Бундай дейишимга сабаб кун сайин нарх-навоолар кўтарилаётган ва пировард натижа ижобий бўлишига ҳеч ким кафолат беролмайдиган бир пайтда ҳисобни билмаган ҳамёнидан ажралиши аниқ бўлиб қолди. Бинобарин, ҳозирги деҳқон замон зайли билан ўткир ҳисобчига айланиб бораётганлиги ҳам давр тақозоси. У эндиликда нима экса, нима ўришини, ички бозор эҳтиёжини олий маълумотли ҳисобчидан кам билмайди. Шу маънода айрим мисолларга тўхталсак ўринли бўлар.

Ўтган йили давлатга белгиланган 4680 тонна ўрнига 5058 тонна пахта топширдик. Режадагидан ортиқчаси ва режада белгиланган ҳисобидан беш фоизи ўз тасарруфимизда қолди. Шу йилдан бошлаб эса режадаги 15 фоиз хом ашё ўзимизда қолади. Бу қўшимча 20 миллион сўм даромад олинади, демакдир.

Техникадан унумли фойдаланишдаги тажрибамиз ҳозирги кунда, айниқса, асқотяпти. Эскиси янгисини асрайди, деганларидек, эски техникани асраб-авайлаб ишлатиш, ўз вақтида сифатли созлаш хўжалик маблағини тежашга хизмат қилмоқда. Бизда ҳосил йиғиштириб олинди дегунча барча техника воситалари таъмирлаб қўйилади.

Район, вилоят ва республика миқёсида қишлоқ хўжалиги соҳасида қарорлар қабул қилинаётганда деҳқонлар фикрига қулоқ солиниши, уларнинг яшаш, ишлаш шароитлари билан раҳбарлар яқиндан таниш бўлишларини жуда истардим. Анжуманимиз юқоридаги каби муаммолар ечимига йўл топса ажаб эмас.

М. РЎЗМАТОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ҚУРЪОНИ КАРИМДАН

«Агар эҳсон қилсаларингиз, ўзингиз учун қиласизлар, ёмонлик қилсаларингиз ҳам ўзингиз учун».

(«Исро» сураси 7-оят).

«Сабр қил, албатта, Оллоҳ эҳсон (яхшилик) қилувчиларнинг савобини зое кетказмайди».

(«Ҳуд» сураси, 15-оят).

«Оллоҳга юз тутиб ва яхшилик қилувчи бўлган одамдан ҳам яхшироқ диндор борми».

(«Нисо» сураси, 125-оят).

«Албатта, биз сизларни хавф, очлик, мол, жон, мева-чеваларнинг камайиши билан синаб кўрамиз. Сабрлиларга башорат бер, улар шундай кишиларки, мусибат етса, биз Оллоҳникимиз ва албатта унга қайтувчимиз, дейишади. Ундай кишиларга парвардигорларидан мағфират ва раҳмат бордир ва ундай кишилар ҳидоятда юрганлардир».

(«Бақара» сураси, 155—157-оятлар).

«Парвардигорларингизга истиғфор айтсаларингиз, албатта, у гуноҳларни кечгувчидир. Сизларга осмондан ёмғирлар ёғдиради, мол-дунё, бола-чақаларингизни кўпайтиради, сизларга боғроғлар ва анҳорлар беради».

(«Нуҳ» сураси, 11—12-оятлар).

• ТАЖРИБА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

ДАРДИМИЗ, ДАРОМАДИМИЗ, БУРОМАДИМИЗ

Мен хўжаликнинг энг қолоқ — ҳосилдорлик 4 центнердан ошмаган майдонини ижарага олдим. Ўша кезларда мен ижарага олган майдон давлатга 20 минг сўм зарар келтирган эди. Қисқа вақт ичида ҳосилдорлик 12 центнерга кўтарилиб, 40 минг сўм соф даромад қилдик. Биз бунга қандай эришдик? Ерга маҳаллий ўғит ташиб чиқардик. Чуқур шудгор қилдик. Вақтида яхоб бердик.

Ўтган йили бригадамиз бўйича 57 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 15 центнердан «оқ олтин» етиштирдик. Соф фойда 70 минг сўмга етди. Бу маблағ қишлоқларимизни ободонлаштиришга ва бошқа эҳтиёжларга сарфланмоқда. Бу йилги режамиз ҳар гектардан камида 20—25 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишдир. Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, асосий вазифа яна меҳнатга бориб тақалади. Айни чоғда ишимиз тиғиз. Чунки майдонларни уруғ қадашга тайёрлаш, ариқ-зовурларни тозалаш сингари юмушлар навбат кутиб турибди.

Яқинда «Мустақиллик» кичик корхонасини ташкил этдик. Энди ёруғлик юзини кўраётган корхонамизда ечимини кутаётган муаммолар, дардлар анчагина. Техникалар эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолди. Ёнилғи-мойлаш ресурсларининг нархи тобора ошиб боряпти. Албатта бундай нарх-навонинг кўтарилиши кичик корхонага ҳам, ижарачига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Ҳозир мен Америка, Япония, Туркия сингари мамлакатлар билан алоқа қилиш иштиёқи билан яшаб, меҳнат қилаяпман. Орзуим хом ашё сотиш ҳисобига корхона валюта жамғармасини кўпайтириш, хорижий мамлакатлар техникаларини сотиб олиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишдир. Яқинда Туркияга сафар қилиш иштиёқида турибман. У ердаги корхоналар билан ўзаро шартнома тузиш, хом ашё айирбошлаш ҳисобига халқимиз манфаатдорлигини оширишдир. Хуллас, бу каби ишларни тезроқ амалга оширсак, ўйлайманки, даромадимиз яхши бўлади, жаҳон бозорига дадил чиқишимизга имконият яратилади.

Гулсара УМАРОВА,
Меҳнатобод районидаги Ҳамза номли давлат хўжалиги «Мустақиллик» кичик корхонаси бошлиғи, жумҳуриятда хизмат кўрсатган механизатор.

ТАРИХНИНГ ОЛТИН ЗАРВАРАҚЛАРИ





1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорларининг иккинчи қурултойида.
2. Республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳаси вакилларининг ғамхўри Шароф Рашидов Жиззах районидаги «Москва» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи У. Орифжоновага орден топширмоқда.
3. Умид билан суқулган таёқ, бир кун берар мевали яроқ. Машҳур соҳибкор Ризамат ота Мусамуҳамедов.
4. Дала дарғаси Ҳамроқул Турсунқулов.
5. Машҳур механизатор Турсуной Охунова.

1.

• ЖАҲОН ВА БИЗ

ОНА АЛЛАСИДАЙ АЗИЗ

ДАВРЛАР, эллар ўзгарди. Бор гап: эллик йилда эл ўзгарар, деган нақл бежиз айтилмаган экан. Кўз ўнгимизда катта янгиликлар содир бўлмоқда.

Шу сабаб дунёга ҳам бошқача кўз, холисона назар билан қарайдиган бўлиб қолдик. Эсимда, биз, уруш бўронларида туғилган авлодга Америка фақат қора бўёқларда тасвирлаб бериларди. Ҳолбуки, у манфур фашизмни тор-мор қилишда ҳамкор, мададкор бўлганини оталаримиз, акаларимиз инсоф билан сўзлаб беришади. Корхоналарда «ДИП» деган алмисоқдан қолган дастгоҳ қиёмлари ҳамон учраб қолади. «У «догоним и перегоним Америку» дегани экан. Максим Горький «Сариқ иблис шаҳри» деб қора чаплагани ҳам энди ҳаммамизга аён бўлиб қолди. Қисқаси, муттасил «душман» қиёфасини ўйлаб топиш, халқни саросимада тутиш, ўз қобиғига қаттиқ ўралиб олиш кимга ва нима учун зарур бўлганини балки сиёсатчи ва тарихчилар кенгроқ тушунтириб беришар.

Аммо ҳозир афсус-надомат билан фақат битта нарса ҳақида ўйлаяпмиз: у ҳам бўлса, нега шу чоққача қўл қовуштириб келдик, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасини ўзимизда кенг қўлламадик? Лоақал, пахтамизни олайлик. Американинг элликта штатидан ўн тўрттасида пахта етиштирилади. Собиқ Совет Иттифоқида эса топиб олгани Ўрта Осиё республикалари бўлди. Ўзимизнинг пахта териш машиналаримиз зўр, бу борада «Ташсельмаш» заводи Иттифоқда ягона деб келдик. Ҳолбуки АҚШда биздагидек пахта хирмонлари бўлмаслигини, бир йўла ўн тонна пахтани «елкаси»га ортадиган ва шиббалайдиган машиналар ихтиро қилинибди. Ёки шпинделларимиз билан фахрланамиз. Ҳолбуки, ҳали у амалий такомилдан анча узоқ. АҚШда эса пахтани бир неча бор терувчи анъанавий машиналар билан бирга ҳаммасини бир йўла йиғиб-териб саранжомлайдиган машиналар ҳам мавжуд. Яъни юз фоиз ҳосил машиналарда териб олинади. Терим мавсуми эса узоғи билан икки ҳафта давом этади, холос.

АҚШга бориб келган мутахассислар билан суҳбатлашиб қолгудай бўлсангиз, ҳозир республикамизда металл тақчиллиги, техника воситалари, бензин ва ҳоказоларнинг қимматлашиб кетгани қишлоқ хўжалиги ходимларини бирмунча тушкун иқтисодий кайфиятга солиб қўйганини тан олишмоқда. Аммо тадбиркорлик билан иш юритсак, бу қийин аҳволдан ҳам чиқиш имкониятлари бор. Бизда энг ёмони — технология ҳали орқада, чет эллардан янги технология сотиб олайлик, десак, уни қўллайдиган ва мустаҳкамлайдиган базамизнинг мазаси йўқ. Масалан, бесўнақай, эски типдаги тракторлар ва бошқа агрегатлар ўрнига ҳозир кичик техника воситалари жуда зарур. Кўплаб деҳқон-фермер хўжаликлари уларга катта эҳтиёж сезмоқдалар. Аммо, кичик техника воситаларини ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриш ҳақида шу чоққача ўйламадик. Неча-неча миллион сўмлаб сарф-харажат қилиб қурилган Тошкентдаги Мотор заводи чала-чулпа ҳолда ётибди. Ўйламай қилинган ишнинг оқибати бу. Бундай мисоллар анчагина бор.

ФОЙДА КЎПАЙМОҚДА

— Хўжалигимиз меҳнаткашлари ўтган йилни қувончли натижалар билан якунлашди. Айниқса, пахтадан мўл ҳосил олинди. Режадагидан анча ортиқ, яъни 3545 тонна «оқ олтин» етиштирилди. Ўтган йили айниқса, ғалла етиштиришга эътиборни кучайтирдик. Мўлжалдаги 665 тонна ўрнига 729 тонна дон тайёрланди. Шундан 152 тоннаси буғдой, 577 тоннаси маккажўхори.

Пилла, гўшт, сут, жун, тухум тайёрлаш режалари ҳам ортиғи билан уддаланди. Шуниси қувончлики, хўжалигимиз иқтисодиёти тобора ривожланиб бормоқда. Барча қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришдан 13 миллион 274 минг сўм даромад олинди. Шу боис даромадга яраша буромад деганларидек, ободонлаштириш ва ижтимоий соҳаларга эътибор кучайтирилди. Жумладан, 215 минг сўмлик чойхона, 8 километрлик асфальт йўл фойдаланишга топширилди. Хонадонларга 6 километрлик масофада газ трубалари ўтказилди. Шу йилнинг ўзида лойиҳа қиймати бир миллион сўмлик 140 ўринли болалар боғчаси қурилиши бошлаб юборилди.

Жамоа хўжалигимиз аъзолари бу йил ҳам ҳамма соҳаларда мўл ҳосил етиштиришни кўзламоқдалар. Ўйлаймизки, бу бизнинг мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига муносиб ҳиссамиз бўлади.

М. РАҲМОНОВА,
Поп районидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.



Дунёнинг дарвозаси ҳаммиздан дехқондир!

ТАРИХНИНГ ОЛТИН ЗАРВАРАҚЛАРИ

1. Йўлдош Охунбобоев билан Усмон Юсупов илғорлар даврасида.
2. Механизатор Меликўзи Умрзоқов ёшлар даврасида.
3. Катта Фарғона канали қурилиши қаҳрамони Дўнан Дўсматов.
4. Таниқли пахтакор Мамажон Дадажонов.
5. Пиллакор Олияхон Султонова дастлабки қурултойлардан бирида нутқ сўзламоқда.

Ушбу суратлар Ўзбекистон Республикаси бош архив бошқармасининг кинофото фоно ҳужжатлар марказий давлат архивидан олинди.

АНЖУМАНДАН-АНЖУМАНГАЧА

ЭЗГУЛИК ВА САОДАТ ЙЎЛИ

ФАРМОН ВА ИЖРО

● «Республика қишлоқ аҳолисини овқат учун дон (буғдой) билан таъминлашни янада яхшилаш тўғрисида»ги Фармоннинг бажарилиши юзасидан эса 1991 йилда хўжаликлар томонидан аҳолига 237 минг тонна дон ажратилди. Бу ҳар бир оилага ўртача 103 килограммдан тўғри келди. Бунинг учун кўпгина хўжаликларда тегирмонлар бунёд этилди. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кўпчилик одамлар берилган донни мўлжалланган мақсадга сарф этмадилар. Уларнинг кўплари донни паррандаларга едириб юборишди. Ваҳолонки, Президент аҳолининг дастурхонини тўкин қилиш учун ана шу Фармонни чиқарган эди.

● **Ўзбекистон Президентининг муҳим Фармонларидан яна бири 1991 йилнинг 29 ноябрида эълон қилинган «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонидир.**

Биринчи навбатда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга қўл урган деҳқон (фермер) хўжаликларига давлат томонидан амалий ёрдам берилмоқда. 1991 йилнинг 30 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Деҳқон (фермер) хўжаликларига ер ажратиб бериш тўғрисида»ги қарори нур устига аъло нур бўлди. Унга асосан деҳқон (фермер) хўжаликларини ер билан таъминлаш учун республика бўйича 200 минг гектар ер фонди ташкил этилиши керак эди. Шу йилнинг 20 февралига қадар республика бўйича салкам 162 минг гектар ер фонди фермерлар учун ажратилди. Ҳозиргача тушган 7933 аризанинг 6429 таси қондирилиб, деҳқон (фермер) хўжаликларига 38 минг 982 гектар ер ажратиб берилди.

● Ўзбекистон Президентининг «Шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари бўлмиш деҳқонларга молиявий ёрдам бериш ва улар уюшмаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан деҳқонларга, шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларига молиявий ёрдам тарқасида бир миллиард сўм ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган эди. Қўшимча ажратилган молиявий ёрдам асосан иқтисодий жиҳатдан заиф хўжаликларни қўллаб-қувватлашга, моддий-техника базасини кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга, маҳсулотни қайта ишлайдиган кичик корхоналар қуришга, транспорт воситалари, кичик механизация ва чорва молларни сотиб олишга сарфланиши керак.

Бу Фармон меҳнат аҳли ғайрат-шижоатини ошириб юборди. Республикамиз хўжаликларида шу пайтгача ташкил этилган фермер хўжаликлари муайян ютуқларга эришмоқдалар. Масалан, Дўстлик районидаги А. Саркисов номли, Мамажон Дадажонов номли, Ленин номли давлат хўжаликларида фермерлар сони кўпайиб бормоқда.

Бироқ таҳририятга келаётган айрим ташвишли хатлар ҳали бу борада қилинадиган ишлар кўп эканлигидан далолат бермоқда. Кўп жойларда деҳқон ва фермер хўжаликлари йўлига сунъий тўсиқлар қўйилмоқда. Масалан, Пискент районидаги «Пискент» давлат хўжалигида ер сўраб мурожаат қилган 25 фермерга рад жавоб берилган. Бўка районидаги «Жамбул» колхозида эса Х. Абраев, Е. Саидқулов, А. Бўронов, Ж. Маматов, А. Эргашевлар ўнтадан 20 бошгача қорамол боқишмоқда. Уларга эса озуқа етиштириш учун ер бериш масаласи ҳанузгача чўзиб келинмоқда. Самарқанд вилоятининг Оқдарё районидаги А. Қодирий номли жамоа хўжалиги бошқаруви Б. Қурбоновнинг фермерлик хўжалигини бекор қилишга ҳаракат қилаётир. Устига-устак унга йигирма йил муддатга берилган ерни ҳам тортиб олишни мўлжалламоқда. Ваҳолонки, бу фермер хўжаликка катта фойда келтирмоқда. Зарбдор районидаги «Андижон» совхозида ҳам худди шундай ҳолни кўриш мумкин. Бу ерда Бобилов, Хўжамбердиев, Абдухолиқов сингари фермерларга ер ажратилмаяпти.

Баъзи жойларда деҳқончилик банклари фермерларга қарз беришни чўзиб келмоқдалар. Масалан, жамоа ва давлат хўжаликларининг кафолатли мактублари бўлмаганлиги учун Булунғур район ижроия комитети қарори билан ташкил этилган элликта фермерлик хўжалигига қарз берилмади. Умуман, бу ишлар янги бўлгани учун ҳали англашилмовчиликлар бор. Хўжаликларнинг раҳбарлари, банклар ва бошқа ташкилотлар бу ишнинг муҳимлигини тушуниб етишлари зарур.

• ТАЖРИБА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

ЎРГАНСА АРЗИЙДИ

Кўпгина чет мамлакатларда бўлганман. Лекин Туркия ва Хитойга кейинги сафарим узоқ вақт эсимдан чиқмаса керак. Чунки бу мамлакатлар бир неча йил аввал ҳозир республикамиз бошидан кечираётган иқтисодий танг вазиятга дуч келган ва унинг мураккаб синовларидан муваффақиятли ўтиб олган.

Қандай қилиб? Қайси йўллар билан?

ТУРКИЯДА асосан саноат корхоналари фаолияти билан танишишга тўғри келди. Хусусий мулкчиликка асосланган меҳнат жамоаларида кўзга яққол ташланадиган хусусият бу — қатъий интизом, ҳар бир ишчининг ўз бурчини виждонан бажариши, корхонани ўзимники, деб билиб, маҳсулотнинг юқори сифатлилигини таъминлашдир.

Турк деҳқонларига тўла эрк берилган. Давлат томонидан бўлиб берилган ерларда улар ҳукмрон. Ширкатларга бирлашган бундай жамоалар ўзаро тузилган шартномаларга қатъий амал қилишади. Бизнинг деҳқонлар сингари техника воситалари, эҳтиёт қисмлар, ўғит қидириб, етилган ҳосилни сотолмай, сарсон бўлишмайди. Бу юмушларнинг бариси ширкат орқали амалга оширилади.

ХИТОЙ бўйлаб сафарда унинг Урумчи, Синг-цзянь шаҳарлари ва ҳудуди, аҳолиси сони жиҳатидан Тошкент вилоятига тенг келадиган Ғулжа вилояти билан танишдим. Ғулжада ер оилавий жамоаларга бўлиб берилган. Пудратчилар маҳаллий ҳокимият билан ўзаро шартнома тузиб, унинг шартларини сўзсиз бажаришар экан. Қайси томон шартнома талабларини бузса, катта жарима тўлайди. Шу боис ҳар бир қарич ер қатъий ҳисобда. Аввал эртанги сабзавот экилиб, у йиғиштириб олингач, ўрнида озуқабоп экинлар парвариш қилинади. Озуқа майдонлари ва молларни яйратадиган жойлар мўл бўлгани учун чорвачилик юксак даражада ривожланган. Ҳар уч юз метрда гўшт дўконлари учрайди. Қўчқор гўшти алоҳида, урғочи қўй гўшти алоҳида сотилади. Қушхоналарда моллар махсус техника ёрдамида ётқизилиб, мусулмонча — пичоқ билан сўйилар ва мусулмон давлатларига экспорт қилинишини гапириб беришди. Сут, тухумлар сероб. Буларнинг ҳаммаси ер оилавий пудратчилар, моллар фермер хўжаликлари ихтиёрида эканлиги шарофатидандир. Ғулжа вилоятининг ўзида беш миллионга яқин чорва моллари боқилмоқда. Бу жон бошига ҳисоблаганда икки яримтадан мол тўғри келади, демак.

Боғ, токзорларни айланганимизда яна бир нарса эътиборимизни жалб этди. Нафақат токзор, балки бутун мевали, мевасиз дарахтзорларга яхоб суви берилар экан. Токлар кўмилиши шарт. Ҳатто қишда совуқ урмаслиги учун шафтоли дарахтлари похол билан ёпиларкан.

Хуллас, ким қанча яхши ишласа, у шунча тўқ, фаровон ва бадавлат яшайди. Сафар таассуротларимдан шундай хулосага келдимки, ҳар икки мамлакатда ҳам одамлар ҳалоллик, имон-эътиқодликка амал қилишади. Бунда гап кўп экан!

Рустам АКБАРОВ,
Тошкент районининг ҳокими, Ўзбекистон Республикаси халқ нонби, ХДП аъзоси.

ҲАДИСЛАРДАН

● **Қўй боқинглар, чунки у баракадир.**

● **Қайси бирингизга Тангри бир касб сабабли ризқ етказиб турган бўлса, ўша касбнинг ўзи ўзгармагунча шу касбни ташламанг.**

● **Тадбиркорлик — турмушнинг ярмига тенг.**

● **Дунё ям-яшил ва гўзалдир. Кимки ундан ҳақли равишда ҳалоллик билан олса, ундан барака топади. Кимки нафс ҳоҳиши билан дунёни мукка-сидан кетиб эгалласа, қиёмат куни дўзахдан бошқа нарсага эришмайди.**

● **Оз бўлса-да, берилган неъматнинг шукрини адо қилиб юрганинг кўпга шукр қилолмаганингдан афзалдир.**

● **Бўш ерларни ўзича чегаралаб ўзига мулк қилиб олиш ва савдода ўзи олмайдиган нарсанинг баҳосини кўтариб кетишлик исломда йўқ.**

● **Кимки ҳар бир нарсани сабр билан, шошилмасдан қилса, мақсадига эришади ёки эришаёзади. Кимки шошилса, хато қилади ёки хато қилаёзади.**

● **Бировнинг бирор қилаётган ишига қараб баҳо беришга шошилманглар, унинг охири нима билан якунланишини кутинглар.**

● **Ишни пухта ва яхшилаб қилган кишини Оллоҳ яхши кўради.**

● **Оллоҳнинг баракот қўли кўпчилик устидадир.**

• СЎЗ—МЕҲНАТ ФИДОЙИЛАРИГА

ТЕХНИКА УМРИНИ УЗАЙТИРИБ

Бизнинг корхона вилоятда «Зил—157» автомобиллари, «Д—240» тракторлари моторларини таъмирлашга ихтисослашган. Ҳар йили деярли беш юзта шундай моторларни таъмирлаймиз. Аммо эркин нархлар шароитида моторнинг оддий гильзаси нархи 48 сўмдан 400 сўмга, порщени эса 15 сўмдан 172 сўмга сакраб кетди.

Мураккаб вазиятдан қандай қилиб чиқиш мумкин? Бу тўғрида ҳамма бош қотирди. Жамоа рационализаторлари техника умрини узайтириш бўйича яхши таклифлар билан ўртага чиқишди. Моҳир токаримиз Геннадий Колокольцев, бош муҳандис Комил Абдуллаев билан ҳамкорликда трактор тормоз шкивини қайта тиклаш мосламасини ишлаб чиқишди. Фақат шу таклиф туфайли кейинги бир ой мобайнида уч минг сўм соф даромад қилинди. Чунки битта шкивнинг харид нархи ҳозир 340 сўм, биз эса уни 152 сўмга таъмирлаяпмиз.

Минск мотор заводи билан «Д—240» тракторлари моторларига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида шартнома туздик.

Корхонамизда Халқ демократик партияси аъзоси Ўткир Боқиев, Ғани Набиев сингари ишчилар ҳаммага ибрат бўлмоқда. Иброҳим Жўраев, Салоҳиддин Неъматов сингари отахонлар бошланғич ташкилотимиз таянчи.

Ўзимнинг миллатим украин бўлса ҳам Когонда туғилиб, вояга етдим. Ўзбекистон — менинг Ватаним. Унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, мустақиллик йўлини қўллаб-қувватлашни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

О. ФЕТИСОВА,
Бухоро вилояти деҳқончилик саноати таъминлаш-таъмирлаш бирлашмаси Когон район ремонт ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандиси, бошланғич партия ташкилоти котиби.

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

Кунлар илиши билан удумимизга кўра иш бошлашдан олдин бригадамиз жамоаси маслаҳат кенгашига тўпланди. Ўтган йил якунини сарҳисоб қилдик. Ютуқларимиз қувонарли.

Бригадамиз ижарага олинган 30 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 430 центнердан сабзавот етиштирди. Бу режадагидан икки баровар кўп. Давлатга 950 тонна ўрнига 1350 тонна сабзавот сотдик. Гектаридан олинган даромад 2,7 минг сўмдан ортиб кетди. Бу режада кўзда тутилганидан тўрт марта кўп. Жами олинган даромадимиз 769 минг сўм бўлди. Ишчилар ҳар бир сўм асосий иш ҳақига 5 сўм 20 тийиндан қўшимча пул олишди. Уларнинг ўртача ойлик маоши 1000—1800 сўмга тўғри келди.

Ўтган йили сабзавот мўл бўлди. Ишчиларга қишда сақлаш учун 20 тонна сабзавот маҳсулоти текинга берилди.

Бригадамизда бир маҳал қозон қайнамаган, гўштлик иссиқ овқат пиширилмаган кун йўқ.

Биз бундай ютуққа сабзавотнинг эртапишар, серҳосил навларини экиш ҳисобига эришдик. Иккинчи тўғри йўл — касбни ардоқлаш, уни виждон буюрганидек ҳалоллик билан бажариш. Ана ўшанда режа нақд бўлади-қўяди. Биз шунга амал қилдик. Ижара ҳамма ижарачини баравар жон куйдириб ишлашга ўргатди.

Пленка остида эртаки карам экиб, биринчи ишловдан чиқардик. Орзуимиз бу йил ҳар гектар ердан беш юз центнердан сабзавот етиштириш. Иссиқхоналарда керагидан ортиқча помидор, карам кўчати етиштирдик.

У. ҚУРБОНОВ,
Андижон районидаги Охунбобоев номли сабзавотчилик давлат хўжалиги ижарачи бригада бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими.

4.

Ёки қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келгусидаги истиқболи ҳақида чуқурроқ ўйласак, республикамизни яна собиқ Совет Иттифоқи давридагидек аграр-хом ашё жумҳуриятлари ҳолатида ушлаб туриш мустақил республикамиз тараққиётига бирмунча ғов солади. Кичик ва қайта ишлаш ҳамда қўшма корхоналар қуриш билан ҳам иш битмайди. Кўпгина хорижий мамлакатлар, ҳатто аграр сектори оз бўлган ёки мутлақо бўлмаган давлатлар ҳам аллақачон асосан четдан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва бошқаларга сотиш, яъни даллоллик ҳисобига дурустгина фойда олмоқдалар. Фақат ўзимиз етиштирган маҳсулотларимизни четга ошираверсак, (албатта пахта бундан қисман мустасно) халқимиз фаровонлиги ошади, десак узоқни кўзламаган бўламиз. Ўз маҳсулотларимизни хориждаги бошқа зарур маҳсулотларга айирбошлаш, яъни бартер усули ҳозирча бир босқич эканлиги аён бўлади. Келгусида эса ўзимизда етиштирилаётган маҳсулотларни ўз халқимиз дастурхонига тортиқ этиш, бошқа зарур эҳтиёжларимизни эса четдан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиб ва уларни четга сотиш йўлини тутиб қолсак чакки бўлмасди. Аммо бу ҳали келажакнинг орзуси, албатта. Буюк ипак йўлидан буён савдо-сотиқ ва тижорат ишида олдига тушадиган бўлмаган бизнинг халқимиз албатта бунинг уддасидан чиқишига умидвормиз.

Бугина эмас, халқимиз азалдан жуда бой миллий анъаналарга эга. АҚШга бориб келган илмгоҳ раҳбарларидан бирининг

5.

айтишича, Америка халқининг ҳам биздан ўрганадиган, ҳавас қиладиган жиҳатлари бор экан. Ўзбек анъанавий урф-одатлари, аҳлоқ-одоби, қисқаси, халқимизнинг соф миллий, бой анъаналари уларни қизиқтиради.

Ҳа, ҳозир хайру бадни ажратадиган, нима яхши-ю, нима ёмонлигини нозик фарқлайдиган, узоқни кўзлаб иш тутадиган пайт. Негаки, мустақил бўлдик, энди инон-ихтиёримиз ўзимизда. Бу эса қилни қирққа ёриб иш кўришни тақозо этади. Аммо айрим қишлоқ хўжалиги ходимлари онгида ҳамон кечаги кун билими ва тасаввури билан яшаш «касали» борлиги сир эмас. Масалан, бизда (баъзи хўжалик раҳбарларида) режадан ортиқ қанча кўп пахта топширсак, шунча даромадимиз ошади, деган тушунча ҳукмрон. Ҳолбуки, жаҳон бозорида, АҚШда ҳам аввало толанинг ранги муҳим ўрин тутади. Кейин унинг узунлиги, пишиқлиги, ифлослик даражаси ва ҳоказосига қарайдилар. Ахир халқимизда ҳам ранг кўр, ҳол сўр деган нақл бор-ку,. Демак етиштираётган пахтамизнинг рангига қараб кўп нарса айтиш мумкин. Масалан, АҚШда пахта рангига қараб еттита сортга бўлинади. Шунинг учун пахтамизни ягона текширишдан ўтказадиган ташкилот—пахтани стандартлаш, синаш ва сертификациялаш маркази Тошкентда дастлабки ишларини олиб бормоқда. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари пахташунослари билан ҳамкорлик қилиб, пахта толасини яхшилаш «сирлари»ни ўрганмоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро бозорда кенг қулоч ёйиши учун

6.

энди ҳавойи, ҳаёлий гаплардан амалий ишларга ўтиш пайти келди! Бозор иқтисодиётига қадам қўйган эканмиз, жаҳон бозорига чидаш берадиган тола етиштириш ғамини ўйлаш ҳар бир пахтакор, хўжалик, мутахассис ва мутасаддининг ҳам фарзи, ҳам қарзидир!

Энди икки оғиз деҳқонларимизга мурожаат қилмоқчиман: пахтамиз сони учун қанчалик жон куйдирсак, унинг сифати учун ҳам парвона бўладиган замон келди. Ўртача бир тонна аъло сортли толанинг нархи жаҳон бозорида 1380—1400 долларни ташкил этаркан. Бозор бозор-да! Омад ҳам ўз ишини пухта қиладиган заргардек одамларга кулиб боқади. Ҳолбуки пахта тайёрлаш заводларида миришкорларимизга «пахтанг ифлос» ёки «намлиги юқори» деган эътирозлар кўп бўлаётир. Буни тўғри тушуниш керак. Хафагарчиликка ҳожат йўқ. Газлама ишлаб чиқарувчи корхоналар эътирози ҳам бундан кам эмас. Аксинча деҳқонлар олдига ҳамон похол солишга уринаётганлар учраб туради...

Пахтамиз ҳам нон каби жаҳоний. Она алласини жаҳоннинг истаган бурчагидаги гўдак вужудига бирдек сингдиргани каби пахтамизни ҳам дунёнинг истаган ерида бажонидил қабул этсинлар. Бунинг учун эса ҳамма ўз меҳнатини санъат даражасига кўтариши зарур.

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг деҳқончилик-саноат бўлими мудири.







ФЕРМЕРЛАРГА МАДАД КЕРАК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Фермерлик хўжаликларида юз минглаб бош қорамол, қўй ва эчки боқилмоқда. Чорвачилик маҳсулотининг анчагина қисмини айни фермерлар етиштириб беришмоқда. Аммо республика тўраларча сусткашлик оқибатида анчагина миқдордаги гўшт ва сутни ололмаяпти.

Президентнинг Фармонига биноан шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш учун бир миллиард сўм ажратилган. Бироқ, афсуски, бу пулнинг анчагина қисмидан ҳали фойдаланилгани йўқ. Жойларда бу ҳужжатнинг аҳамиятига ҳали ҳам етарли баҳо берилмаяпти.

Нотиқлар ўз сўзларида кўп камчиликлар ҳақида, жумладан, машина-механизмларни сотиб олишдаги қийинчиликлар тўғрисида гапиришди. Фермерларнинг ўзларига, томорқа участкаларининг эгаларига ҳам таъналар айтилди. Кўп жойларда ажратиб берилган ерлардан самарасиз фойдаланилмоқда ёки бутунлай фойдаланилмаяпти.

Учрашув қатнашчилари барча фермерларга, ижараниларга, пудратчиларга, қишлоқ ишбилармонларига мурожаатнома қабул қилиб, уларни зўр куч-ғайрат билан меҳнат қилишга, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланишга чақирдилар.

Фермерлар ва ишбилармонлар билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашдилар.

* * *

Деҳқончилик — саноат мажмуи ходимларининг қурултойи арафасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов вилоятлар, шаҳарлар ва районларнинг ҳокимлари билан, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг раҳбарлари, район кенгашларининг раислари билан учрашди. Залда вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари бор эди.

Республика иқтисодиётини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш муаммолари ҳақида амалий, қизғин гурунг бўлди.

Учрашувда республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашдилар.

(ЎзА).

СОАТ МИЛЛАРИНИ СУРМАЙМИЗ

Россия давлат стандарт бошқармасининг эълон қилишича, Россияда 29 мартга ўтар кечаси ёзги вақт жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти идорасидан ЎзА мухбирига хабар қилишларича Ўзбекистонда ёзги вақтга ўтиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобланмоқда. Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди бешинчи соат минтақасида жойлашган, шу сабабли вақт ҳисобини минтақа ҳисобида қолдириш қулайроқ.

Шундай қилиб, биз соатларнинг милларини сурмаймиз. Москва билан Ўзбекистон ўртасидаги тафовутга келганда, 29 мартдан бошлаб ўртадаги фарқ бир соат бўлади.

[ЎзА].

СПОРТ

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

● **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси биллур соврини учун бахс иштирокчилари ўртасида қуръа ташланди.**

Дастлабки учрашувлар 11 апрель куни бўлиб ўтади. Жумладан, «Металлург» (Бекобод) — «Шаҳрихончи», «Бахт» (Тўрақўрғон) — «Янгиер» жамоалари майдонга тушадилар. Футбол жамоаларининг 1/16 финал учрашувлари асосан 12—13 апрель кунларига мўлжалланган. Бугун эса олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон миллий чемпионати бошланади.

КУПКУНЛИК ПОЙГАДА

● **ВЕЛОСИПЕДЧИ хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон очиқ чемпионати ўтказилди.**

Олти босқичдан иборат мусобақада пойгачилар Тошкент — Ғазалкент — Чимён — Оқтош йўллари орқали жаъми 350,5 километр йўл босишди. Чебоксарлик И. Кокаревич 10 соат 19 минутли натижа билан ғалаба қозонди. Ижевсклик А. Колясева билан самаралик И. Гринина маррада иккинчи ва учинчи бўлишди. Тошкентлик И. Осипченко кучли олтиликдан жой олди.

ХОТИРА СОВРИНИ

● **АНДИЖОНДА Майна Ҳасанова хотира-соврини учун хотин-қизлар ўртасида югуриш бўйича анъанавий мусобақа ўтказилди.**

150 спортчи қатнашган мусобақада 3 километрлик йўлни Андижон тиббиёт илмгоҳи талабаси Г. Исмоилова биринчи бўлиб босиб ўтди. 2000, 1500 ва 1000 метрли масофага югуришда андижонлик студент А. Девитян, ўқувчилардан Е. Зайцева билан З. Нурғалиева ғалаба қозондилар.

ДЕҲҚОН МАДҲИ

МИРТЕМИР

ИЛҒОРЛАРГА

Бу — сизга саломларим, бу мақташимдир;
Бу — сизга мадҳиямдир — севинч ёшимдир.
Йўлингизда тўшаган мармар тошимдир,
Субҳидамларда туриб бу сайрашимдир.

Мақтаганим — жангларда қозонилган шон,
Мақтаганим — юртимнинг юлдузларидир.
Республиканинг донгдор қизи Тожихон,
Ҳожарой, Анорбону, Қундузларидир.

Бу менинг бир мадҳиям — севинч ёшларим,
Довруғингизни жиндак мақташимдир.
Субҳидамларда уйғоқ бу сайрашларим
Ёш бошим, йигит ёшим, қарашимдир бу.

Бу танамда югурган тоза қонимдир,
Сизга бағишлаганим, армуғонимдир.
Сизга атаб чизилган шеър маржонимдир
Оташин олқишимдир, шараф-шонимдир.

ЧЎЛПОН

ЯНА КЎКЛАМ

Яна мен сенга қайтдим, эй кўклам,
Чунки, борган сари юзинг очилиб,
Чунки борган сари ҳидинг сочилиб,
Сил кўнгилларга бахш этар малҳам.
Кечанинг сирли қўйнига бекиниб,
Кечага тотли бўсалардан бериб,
Юзидан пардаларни ирғитган,
Дунёга бир келин каби чиққан.
Турли туслардаги чечакларни,
Кўрсам, айниқса, тонг отар чоқда,
Сўнгра кун, қон сочиб ботар чоқда.
Сўнгги нур ўйнаган теракларни —
Шунда: шаббода — қиз билан бирга,
Қувлашиб ўйнаганда япроқлар,
Шу жувон толдаги қуруқ бир шох,
Қуп-қуруқ гавдасин тутиб елга
Қайси кўкламни — билмадим, йўқлар!
Кимга ҳасратини англатар!! Эвоҳ!..

БАҲОРНИ СОҒИНДИМ...

Баҳорни соғиндим, баҳорни...
Кўрганда ерлар, оламлар тўла қорни...
Қора... қор...
Заҳарли ниналар каби
Кўзларга қараб оқар...
Қайда сен, қайда сен
Латиф сийналар каби
Дилларга сингган баҳор.
Дала—туз, экин-тикин...
Ғамгин-ғамгин сўла бошлади.
Сарғайган япроқ,
Бўяниб тупроқ
Ўла бошлади, ўла бошлади...
Йўқ... ўлим йўқдир!
Ёлғиз бир учиб... бир сўниш бордир!
Бир ўчиб, сўниб... яна ёниш бор,
Яна баҳорлар, яна лолалар,
Яна сиз, эй эркин далалар!...

Султон АКБАРИЙ.

ОЛАМ ОБОДЛИГИ

Бободеҳқон!

Хусусан, биз, шоирлар, деҳқонларнинг пирини шундай аташга, ардоқлашга маънавий эҳтиёж сезамиз. Уни таъриф-тавсифлашга бисотимизда бор сўз жилваларини ишлатамиз. Аслан гапнинг онаси ҳам шу. Зеро, бундан зиёдроқ сифатни топиш мушкул.

Бобо деҳқон тарихи жуда узоқ, илдизи ғоят теран. «Ислом» маълумотномасида уқтирилишича, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари асотирида Бобо деҳқон—деҳқончилик ҳомийси. Одам Ато ва Ҳизрга нисбат берилган афсонавий шахс. Ўзбек ва тожик афсоналарида ер ҳайдаш ва экишни биринчи бошлаб берган деҳқон тимсоли. Биринчи ариқ чиқарган ва биринчи жўяк тортган миришкор.

БОБОЙИ ДЕҲҚОН!
Рўзғорбоши. Саховатпеша. Хожатманд.
Зироат мамлакатининг сарвари, на сарвари, жонпарвари.
Бобо деҳқон билан қўл олиш Ҳизрга йўлиқишдек ҳайрли.

Беш вақт номозини ёбонда ўқийдиган, бутун жонзотнинг ғамини ейдиган, бу дунё бир экинзор дейдиган, табиат инъомига шукур этадиган, кўнглини ҳосиллик иш билан овутадиган, буюк меҳнатчига таъзим адо этайлик. Олгани олтин бўлсин, тўйлари олдин бўлсин. Билсинларким, деҳқоннинг уйи бузилса, дунёнинг томи бузилади. Деҳқоннинг чайласи ёнса, бутун Байтулло ёнади. Деҳқон она еридан айрилса, ийсинган момосидан айрилади. Қўшқўллаб олиб ундан, чап қўллаб бермайлик унга. Ҳаққига ризо бўлсин.

Наврўз. Бод сабо хуш бўйлар келтиряпти. Ҳаммаёқ кўкмак. Бойчечаклар келинсаломга чиқибди. Бобо деҳқоннинг тани қизиб турибди. Тупроқ пўрсиллаши биланоқ барака уруғларини қадайди. Тоғганини банд қўлларини ечиб юборган Ўзбекистон мустақиллигига атайди. Оқ йўл, дала дарғаси! Фаровонликка муштоқ ва нигорон ушбу дамларда таъб аҳлига мансуб камина, эски сўз деҳқони, экинчига бир манзума туҳфа этсам.

Оламнинг ободлиги
деҳқондан,
Одамнинг дилшодлиги
деҳқондан...
Авлоду аждодлиги
деҳқондан,
Фарзанди Фарҳодлиги
деҳқондан.
Қарқара экинига кўз тўқдир,
Кафтига туфламаса
қут йўқдир,

Анингла башарият улуғдир,
Қад-қомат шамшодлиги
деҳқондан.
Ҳотамтой, валинеъмат
қарамга,
Очиқдир икки қўли карамга,
Кўк бирла малҳам қўйр
ярамга,
Тирикнинг озодлиги
деҳқондан.

Қушнинг ҳам насибаси
бўйнида,
Иссиқ нон олиб юрар
қўйнида,
Бошқарур маъракани,
тўйни-да,
Исмлар Муродлиги
деҳқондан.
Нопокни йўлатмайин қошига,
Им қилар ҳалолларни ошига,
Кетмонни қўйиб ётар бошига,

Тилимнинг новвотлиги
деҳқондан.
Ем еган Бойчиборнинг
бели зўр,
Ғиротнинг синига бир
қараб кўр,
Дўнганда парқинидан
чиқар кўр,
Пойгада шаддодлиги
деҳқондан.

Ўзбекнинг полвонлари
бўрбойли,
Қизлари ирқи пишган,
чиройли,
Энасин этагида уй-жойли,
Барлоснинг бунёдлиги
деҳқондан.

Бир лаълни лайлу наҳор
ўйлайди,
Қадрини сайлу баҳор
ўйлайди,
Ёзлоғи — пахтазори
қўймайди,
Меҳнатнинг ижодлиги
деҳқондан.

То хирмон кўтаргунча
сабзапўш,
Гўёки юрагида ҳайдар қўш,
Яхна чой ичар, гулоб
этмас нўш,
Суст жонга имдодлиги
деҳқондан.

Ўз тубин билгувчига
бузрукдай,
Ҳаётнинг нақшига қош,
узукдай,
Султонга ҳам ихлоси
тузукдай,
Эл-юртнинг зурёдлиги
деҳқондан.
Оламнинг ободлиги
деҳқондан,
Одамнинг дилшодлиги
деҳқондан,

● *Қадриятларимиз*

ЭЛ ИРОДАСИ

Машҳур бобокалонларимиз номларини абадийлаштириш, юртдошларимизнинг пок хотирасини хизматига яраша эъзозлаш борасида вилоятда анчагина хайрли ишлар қилинди. Жумладан, Хива ноҳиясидаги Дзержинский номли жамоа хўжалигига XIII-XIV асрларда яшаб ижод қилган Хоразм Ҳайёми — шоир Паҳлавон Маҳмуд (1247—1326), Фрунзе номли жамоа хўжалигига шу колхозга узоқ йиллар самаралі дарғалик қилган, деҳқончиликда донг таратган Рўзимат Мадаминов, Шовот ноҳиясидаги «Коммунизм» колхозига туркман адабиёти классиги Маҳтумқули, Киров номли жамоа хўжалигига 38 йил раислик қилган Карим Раҳимов, Чкалов номли колхозга машҳур санъаткор Комилжон Отаниёзов, «Партия XXII съезди» колхозига Хоразм қишлоқ хўжалигида ёрқин из қолдирган Отажон Хидиров номлари берилди. Шу ноҳиядаги «Правда» колхози «Маноқ», «Ленинизм» колхози «Бешқалъа», Янгибозор ноҳиясидаги «Ленинизм» жамоа хўжалиги эса «Бўзқалъа» деб атала бошлади.

Яқинда Урганч шаҳар ҳокими Р. Султонов томонидан чиқарилган қарорга биноан вилоят марказидаги «Коммунистическая» деб аталган шоҳкўчага буюк ватандошимиз, математика фанининг отаси Ал-Хоразмий, улуғ олим номидаги кўчанинг ўзига эса Паҳлавон Маҳмуд, Ломоносов номли кўчага жумҳурият қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ташкилотчиларидан бири Рўзимат Ғойибов номи берилди.

Гурлан районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги аъзоларининг хохиш-иродаси ҳисобга олиниб, қишлоқдаги мактаблардан бири Худойберган Раҳимов номи билан юритила бошлади.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

„ОЙНАИ ЖАҲОН"ДА

ШАНБА, 28

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум» 9.00 Спорт кўрсатувлари. 10.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.30 «Яшил чироқ». 11.00 «Қўшиғим — жон қўшиғим». 12.00 «Метичара — денгиз жонивори». Бадиий фильм. 13.25 «Оила». 14.15 «Деҳқон бозори». 14.45 «Чорраҳа».

18.00 «Сеними, шошмай тур». Мультфильм. 18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 Инглиз тили. 19.55 «Мультипанорама». 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 Бобомурод Ҳамдамов ижросида янги қўшиқлар. 21.40 «Оталар чойхонаси — кулги кошонаси». 22.40 «Осмондан тушган мерос». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

9.00 **ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.**

● «Орбита IV»

7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 8.30 «Сиз билан учрашганимдан хурсандман». 9.10 Мультфильм. 9.40 «ЭХ». 9.55 «Тонгги мусиқий кўрсатув». 10.25 «Марказ». 11.05 «Сиз бунга қодирсиз». 11.35 «Бор эканда, йўқ экан...». 12.05 Ф. Слидовкер ва А. Тафелнинг фильм-балетлари. 12.50 Волейбол. Россия чемпионати. 13.10 «Бонг». 14.25 Янгиликлар. 14.50 «Марафон-15». 15.40 «Кино талаб қилинганга....». 16.40 «Ҳайвонот оламида». 17.25 «Қизил квадрат». 18.05 «Майя ариси». 18.30 «Сиёсатдонлар». 19.00 «КВН-92». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.20 «Дарё бўйлаб 100 чақирим». Бадиий фильм. 22.25 «Нафис оҳанглар». И. Штраус. 23.10 Катталар учун мультфильм. 23.20 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун. 24.00 Янгиликлар. 00.35 «Қалтис учрашув». Бадиий фильм. 01.35 Ёш балет артистлари I мустақил танловининг якунловчи концерти.

● «Дубль IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 «Сиз яратган бог». 8.50 Мультфильм. 9.00 Баскетбол шарҳи. 9.30 «Саҳнада цирк». 10.00 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси. 11.00 «Ўз крести». Бадиий фильм. 12.25 «Боскининг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм. 13.00—15.00 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали. 16.00 «Болгария: тажриба ва умидлар». 16.40 «Познер ва Донахью». АҚШдан ҳафталик кўрсатув. 17.35 «Нафақат лолалар юрти». 18.00 Хабарлар. 18.20 «Бурда моден» таклиф этади... 18.50 «Задворки-3». Ленком театрида ҳайрия кечаси. 20.10 «Ҳар бир кун байрам». 20.20 Криминал канал. «Мутлоқо маҳфий». 21.15 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 22.00 Хабарлар. 22.25 «Малласоч малика». Бадиий фильм. 23.50 «Маскишоу». 00.20 «К-2» таништиради.

ЯКШАНБА, 29

● ЎзТВ I

8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Биргаликда куйлаймиз». 9.00 Усмирлар учун. «Ўйла, изла, топ». 10.10 Араб тили. 10.40 Халқ ижодиёти. «Устоз ва шогирд анъаналари». 11.20 «Деҳқон ва замин». 12.20 «Ёшлик». 13.40 «Пўлат ва Баҳор». Бадиий фильм. 14.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Менинг маҳаллам». 18.00 Болалар учун. «Ўйна, ўйна қизалоқ». 18.30 Турк тили. 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Ёшлик». 20.00 Дутор ва танбур тароналари. 20.20 Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрларининг «Наврўз—92» фестивали. 20.30 «Ўзбекистон». 21.00 «Хотиралар». 22.30 «Кечира олсанг, кечир мени». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

9.05 **БИШКЕК КЎРСАТАДИ.**

● «Орбита IV»

7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 «Спортлото». 7.45 «Ўз-ўзингга мадад бер». 8.15 «Эрта саҳарлаб». 8.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 9.25 «Тонг юлдузи». 10.15 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. 10.45 «Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари». 10.50 «Кулдан қад кўтарган». Ливаннинг бугунги куни ҳақида. 11.20 Мультфильм. 11.40 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм. 12.45 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж». 13.00 «Саёҳатчилар клуби». 14.00 Янгиликлар. 14.25 «Парнас сари бир босқич». 14.45 Хоккей. МДҲ чемпионати. 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 «Уолт Дисней таништиради...». 17.50 «Телелоция». 18.00 Янгиликлар. 18.20 «Ким биз билан?». 18.40 Мультфильм. 19.15 «Лангустнинг кулгиси». 21.00 «Якунлар». 21.45 «Эндиликда». Диний кўрсатув. 23.00 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун. 23.40 «Моторлар оламида». 00.10 Ёш балет артистлари танловининг якунловчи концерти.

● «Дубль IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 «Мегаполис». 7.50 Мультфильм. 8.00 «Хоҳ ишонинг...». 8.30 Мусиқий коллекция. 8.45 «Весёлые ребята» таклиф этади. 10.00 «Суперкитоб». 10.30 «Ати-бати...». 11.00 «Здоровье». 11.30 «Бировларнинг мактублари». Бадиий фильм. 13.00 Парламент хабарномаси. 13.15 «Туармин учрашувлари». 13.45 «Асраб-авайла. «Қариялар...». 14.25—17.45 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали. 17.45 Баскетбол бўйича жаҳон чемпионати. 18.45 «Фарс-мажор». 19.30 «Ҳар бир кун байрам». 19.40 «Доминус». Бадиий фильм. 21.00 Хабарлар. 21.25 Афсунгарлар». Бадиий фильм, 4-фильм. 21.55 Театр сафари. «Артист шарафига...». 23.30 «Рок-қаҳвахона».

ДУШАНБА, 30

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Эл хизматида». 19.55 «Тановар» гуруҳининг концерти. 20.30 «Ўзбекистон» 20.55 «Хотира». 21.45 «Наврўз-92» театрлар фестивали. 22.15 «Шарқ дурдоналари».

● ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. «Совға». 18.50 «Ассалому алайкум». 19.50 «Бобур». 20.00 «Лаҳза». 20.10 «Наврўзой». 20.55 ИИВ матбуот маркази хабар қилади. 21.10 «Миришкорлар». 21.40 «Билиб қўйган яхши». 21.55 «Омад» кўрсатувига илова. 22.55 «Лаҳза». 23.05 «Махфий сайр». Бадиий фильм.

● «Орбита IV»

5.00 «Тонг». 7.35 Мультфильмлар. 8.15 «Чапдаст капитан». Бадиий фильм, 1-серия. 9.20 «Марафон-15». 9.45 Телефильм 11.00 Янгиликлар. 13.15 «Телемикст». 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Картина». Телеспектакль. 15.15 «НЭП». 15.45 «Юлдузли ёмғир». 17.00 Янгиликлар. 17.20 Футбол шарҳи. 17.50 «Қора қути». 18.25 «Тоғлардан юксак». Бадиий фильм. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 Бокс. МДҲ — АҚШ терма командалари матчи. 21.25 Концерт. 21.40 «Янги студия» таништиради. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «Дубль IV»

7.00 Хабарлар. 7.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.20 Итальян тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. 9.05 «Сиҳат-саломатлик». 9.35 Санъат оламида. 10.05 «Оқ қарға». 11.00 «Онахонлар-дадажонлар». Мусиқий бадиий фильм премьераси. 12.10 «Бурда моден» таклиф этади... 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

15.00 Болалар соати. 16.00 «Тадбиркорлик ва анъаналар». 16.15 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 16.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 17.00 Хабарлар. 17.20 Эълонлар. 17.25 Ўз ишининг усталари. 18.10 Ишдан бўш пайтингизда. 18.25 «Россия билан юзма-юз». 18.40 Ҳужжатли панорама. 19.20 «Ҳар бир кун байрам». 19.30 «Осмон билан ер туташган жойда». Бадиий фильм. 20.50 Эълонлар. 21.00 Хабарлар. 21.20 «Бешинчи ғилдирак». 22.20 Спорт хабарлари. 22.30 «Бешинчи ғилдирак». 23.15 Театр сафари. «Хусусий ҳаёти». 24.00 Фристайл. Европа чемпионати ва Европа кубоги.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

Бизда бор:

- –ДОН,
- –ҚАНД-ШАКАР,
- –ГЎШТ,
- –ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ

Бизга керак:

- –ПАХТА ТОЛАСИ

Москва товар биржасининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси

МОСКОВСКАЯ ТОВАРНАЯ БИРЖА

— пахта толасини ишлаб чиқарувчилар ва сотувчиларга ўзаро манфаатли шартларда дон, қанд-шакар, гўшт ва тўқимачилик маҳсулотларини ҳарид қилиб олишларида кўмаклашади;

— толани сўмга сотишга ёрдамлашади.

Бунинг учун Москва товар биржасининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонасига мурожаат қилиш лозим.

Манзилгоҳимиз:

700043, Тошкент, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 8-уй, 602-хона.

Телефон (3712) 45-74-58.

Факс (3712) 45-87-95.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Жумҳурият Агротижорат институти жамоаси институт доценти М. Р. Мусамуҳамедовга акаси

Шукур Ризаевич РИЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимликлар моддалари кимёси институти жамоаси институт директори, техника фанлари доктори, профессор Х. Орипов ва шу институтнинг катта илмий ходими, кимё фанлари доктори С. Ориповаларга падари бузрукворлари

Матфозил МАТХОЛИҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г — 15.

№ 63.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.